290894

Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 24 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. № 40 (6627).

Шу кунларда жойларда халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтмоқда.

Янги ўқув йилида педагоглар олдида янада катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Дастлабки сабоқ «1 сентябрь—Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни» мавзусида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИ 1-ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!
Муҳтарам ватандошлар!

Бутун мамлакатимиз халқлари улкан шодиёна арафасида турибди. Ўзбекистон Мустақиллиги уч йиллик байрами ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтиҳор туйғуларини жўш урдирмоқда. Буни сизлар йил мобайнида ўтказган тадбирлар ва бугунги якунловчи тантаналарингиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўпмиллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат равнақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатидир. Биз ана шундай юксак маърифий жамият қуриш сари бораётган бир пайтда сизларнинг бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг мамлакатимиз келажагига катта умид билан қараётганингиз, ўз миллий маданиятингиз равнақи бутун Ўзбекистон тараққиётининг бир қисми эканлигини теран тушуниб турганингиз қувончли ҳодиса.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, якдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улуғвор хонадон. Сизлар эса ўз фаолиятингиз, амалий ишларингиз билан ана шу хонадонга яна ҳам нурафшонлик, яна ҳам файз бахш этмоқдасиз.

Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги билан яна бир бор қутлар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-омонлик, Ватан равнақи йўлидаги шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз нафақат Ўзбекистон аҳлининг, балки Марказий Осиёда яшайдиган барча халқларнинг зўр эҳтиромига сазовор бўлган Сиз, юртбошимизни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг уч йиллик муборак байрами билан астойдил табриклаймиз.

Ўтган қисқа давр мобайнида миллатимиз ва диний мансублигимиздан қатъи назар, мустақиллик куни ҳар биримизнинг суюкли байрамимизга айланди. Биз Сизни эса, муҳтарам Президентимиз, тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда муқимлашиб қолган юздан ортиқ миллат ва элатларни бағри кенг, меҳнаткаш ўзбек халқи атрофида бирлаштириб, мустақилликни мустаҳкамлашдек буюк вазифани бажаришга сафарбар қила олган кучли раҳбар сифатида тан оламиз. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги, фаровон турмуш, бунёдкорлик ишларига замин ҳозирланаётгани, Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат сифатида халқаро нуфузи ошиб бораётгани ва эътиборли давлатлар, йирик сармоядорларнинг диққат-эътиборини тортаётгани, энг аввало, халқчил сиёсатингиз самарасидир.

Ана шу инсонпарвар сиёсат самарасидан баҳраманд бўлаётганимиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини қуришда қатнашаётганимиздан фахрланамиз.

Ўзбекистон — ҳаммамизнинг суюкли Ватанимиз, умумий хонадонимиз. Унинг шаъни ва номи ҳаммамизнинг шаънимиз билан боғланиб кетган. Биз ана шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида мустақилликнинг барча масъулиятини зиммамизга олиб, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлида бирлашиб хизмат қиламиз, обод ва озод ўлка яратамиз, деб Сизни қатъий ишонтирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ.

МУАЛЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Шу кунларда жойларда ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтмоқда. Уларда халқ таълими соҳасида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато-камчиликлар таҳлил қилинмоқда, келгуси вазифалар белгилаб олинмоқда, илғор педагоглар ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Бундай руҳ 19 май куни бўлиб ўтган Тошкент вилояти муаллимларининг кенгашида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўша куни эрта тонгданоқ Олмалиқ шаҳридаги Кимёгарлар маданият саройи олдида карнай-сурнай садолари янгради. Сўнгра бу садоларга ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзоларининг куй-қўшиқлари, рақслари уланиб кетди. Кенгаш қатнашчилари анжуман аввалида шаҳарда янги қурилган 1100 ўринли 1-мактабнинг очилишида иштирок этдилар, вилоятдаги энг намунали мактабгача тарбия муассасаларидан бири ҳисобланган «Эртакжон» болалар боғчаси фаолияти билан танишдилар. Шу билан бирга илғор ҳамкасбларининг ноанъанавий дарслар ўтишга оид ишланмаларини, янгича турдаги ўқув муассасалари ҳаётини акс эттирувчи, ёш техниклар марказлари аъзоларининг ижодларидан намуналар қўйилган кўргазмани томоша қилдилар. Бу борада ғолибликни қўлга киритган олмаликлик ўқитувчи ва ўқувчиларни қутладилар.

Кенгаш вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиевнинг маърузаси билан бошланди. Нотиқ ўз нутқида сўнгги даврларда, чунончи, ўтган ўқув йилида таълим-тарбия соҳасида вилоятда амалга оширилаётган ишларга, баъзи қамчилик—муаммоларга тўхталди. Жумладан, таълим мазмуни давр талабига монанд ижобий томонга ўзгариб бораётганини, кўплаб янгича турдаги ўқув муассасалари ташкил этилаётганини, мактаб билан оилалар, маҳаллалар, оталиқ ташкилотлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида алоқалар мустаҳкамланаётганлигини, булар пироварднатижада таълим-тарбияни яхши йўлга қўйишда, иқтидорли ёшларни аниқлашда, ўқитувчилар ижодкорлигини юзага чиқаришда, билим масканларининг моддий-техник аҳволини яхшилашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Анжуманда Паркент шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Нурниса Зуҳурова, Янгийўлдаги 16-мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси Анвар Умаров, Олмаликдаги 16-гимназия-мактаб директори Людмила Пак ва бошқалар ўз тажрибалари, жамоаларида амалга оширилаётган ишлар, жорий этилаётган янгиликлар ҳақида сўзлаб бердилар. Тошкент вилояти ҳокими Мирзамурод Икромов ва халқ таълими вазири ўринбосари Баҳром Қодиров эса мактаблар ҳамда педагоглар зиммасидаги масъулият, келгуси режа-вазифалар хусусида фикр юритдилар.

Вилоят ўқитувчилари кенгашининг ботартиб ва мазмунли ўтишига Олмалиқ шаҳар ҳокимияти ва халқ таълими бўлими ходимлари катта ҳисса қўшдилар.

СУРАТЛАРДА: Тошкент вилояти ўқитувчиларининг август кенгашидан лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг уч йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда байрамга тайёргарлик кўриш, хусусан, ободонлаштириш, таъмирлаш ҳамда қурилиш ишларининг қандай амалга оширилаётгани муҳокама қилинди. Республика Президенти Ислом Каримовнинг ана шу масалалар юзасидан ўтказган йиғилиши, унда баён қилинган тавсияларидан. сўнг бу ишларнинг янада жонлангани қайд этилди.

Тегишли вазирлик, ҳокимлик, идора ва ташкилот раҳбарларининг байрамга тайёргарликни тугаллаш, уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар хусусидаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда республика Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев. Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

БУ СИЗНИНГ КИТОБИНГИЗ: УҚИНГ, УРГАНИНГ, АВАЙЛАБ-АСРАНГ!

ТАБИАТШУНОСЛИК

Тўрт йиллик бошланғич мактабнинг 4-синфи учун дарслик. Қайта ишланган 4-нашри. Муаллифлар Елена Бельская, Анда Григорьянц, Турсуной Абдуллаева. «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1993 йилда икки юз ўттиз минг нусхада чоп этилган. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

ЎЗБЕК ТИЛИ

Рус мактабларининг 5-синфи учун. Иккинчи нашри. «Ўқитувчи» нашриёти 1994 йилда ўттиз беш минг нусхада чоп этилган. Муаллифлар Рустам Йўлдошев, Азиза Сандниёзова. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Янги — 1994—95 ўқув йили бўсағасидамиз. Шу боис олдиндаги вазифалар ва талаблар ҳақида тўхталишдан аввал ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар ҳақида, муаммолар хусусида гапиришга тўғри келади. Зотан, ўтган ўқув йили янги ўқув йили учун катта сабоқ бўлиши лозим.

Мустақил республикамиз миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий юксалишининг туб манбаи мактабдан бошланади. Ўйлайманки, бу фикрга ҳар бир газетхон қўшилади. Халқ донишмандлари, элимизнинг улуғ мутафаккирлари Форобий, Беруний, Улуғбек, Навоий, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Авлоний инсон камолати ва давлат равнақини илм ва фандан деб билдилар. Улуғбек ўзининг машҳур мактаби шиорини «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир» деб қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қилинаётган чуқур ўзгаришлар таълим тизимини ҳам бутунлай ислоҳ қилишни, мақсадлар ва вазифалар мазмунини янгилашни талаб этаётир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни оила, жамият, давлат олдидаги масъулиятини англаб етадиган ҳар томонлама етук шахсни шакллантирувчи интеллектуал ва илмий кучларни тараққий эттиришдек юксак мақсадларни белгилаб берди.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида таълим ва маданиятни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, интеллектуал ва маънавий кучларни мустаҳкамлаш, ва шубҳасиз, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш ислоҳотни амалга оширишнинг барча босқичларида муҳим аҳамиятга моликлигини қайд этиб ўтди. Юртбошимиз сўзлари мазмунидан аёнки, фақат ҳар томонлама маълумотга эга, қатъиятли ва жисмонан чиниққан кишиларгина тараққиёт йўлидаги довонларни дадил забт эта олади. Албатта, бу гап заминида халқ таълими зиммасига юкланадиган масъулиятли вазифа турганлигини ҳаммамиз ҳис этмоғимиз керак.

Республикамиз мустақил деб эълон қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлиги ҳам давлат сиёсатини амалга ошириб, ўз фаолиятида Ўзбекистон халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш йўналишида қатъий бормоқда.

Кейинги икки йил ичида республикада мактаблар моддий-ўқув базаларини мустаҳкамлаш борасида ҳам каттагина ўзгаришлар юз берди. Мазкур ўқув йилида 8963 мактабда 5 миллионга яқин ўқувчи таълим олди.

Ўтган йили таълим мазмунини янгилаш, таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлаш, таълим иқтисоди ва бошқарувини тубдан ўзгартиш бўйича ишлар давом эттирилди. Бу йўналишлар янги ўқув йилида ҳам фаолиятимизнинг асоси бўлади.

Халқ таълими ислоҳоти асосий йўналишларининг ҳар бирига таҳлилий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биринчи навбатда, таълим мазмуни тарихий ва маданий анъаналар, республиканинг бозор иқтисодига ўтиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилаётганлигининг шоҳиди бўламиз.

Таълим мазмунини ислоҳ қилиш танлов бўйича маълумот олишга ўтиш жараёнини чуқурлаштириш йўли билан, иқтидорига қараб билим ва ихтисос бериш йўли билан амалга оширилаётир. Хусусан, ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоалар, шунингдек, жамият талабини инобатга олиб Вазирлик томонидан кўп вариантли (12 турдаги) ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон тарихида биринчи бор, ўқитиш тилидан қатъи назар, барча мактабларнинг 1-6—синфлари учун таянч ўқув режаси яратилди.

Олимлар ва ўқитувчилардан иборат муаллифлар жамоаси 12 та янги ўқув дастури яратишди. 65 та янги дарслик, 6 та муқобил, 24 та мутлақ янги дарслик тайёрланди ва чоп этилди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бошланғич синфлар учун 18 номда дарсликлар тайёрланиб, нашр этишга топширилди.

Ўқув режалари ва дастурлари ўқувчиларга давлат тили — ўзбек тилини, республикада яшовчи бошқа халқлар тилларини чуқур ўргатишга йўналтирилган. «Араб алифбосо асосидаги эски ўзбек ёзуви» (3-4—синфларда ҳафтасига бир соат, 5-6—синфларда 2 соат), «Ўзбекистон халқлари тарихи» (5-11 (12) синфлар), «Одобнома» (10-синф), «Инсон ва жамият» (11-синф), «Давлат ҳуқуқлари асослари» (9-синф), «Иқтисодий билим асослари» каби янги фанлар таълим жараёнига киритиш, қизиқишлар бўйича факультатив ўқувларни, тўгаракларни кўпайтириш, бир синф доирасида ҳам, турли ёшдаги ўқув гуруҳларида синфлараро ҳам алоҳида-алоҳида ва гуруҳлар бўйича машғулотлар ташкил этиш асосида таъминланаяпти. Буларнинг ҳаммаси мактаб ўқув режасидаги асосий янгиланишларнинг таркибий қисмидир. Шуни ҳам қайд этиш керакки, 10, 11 (12)-синф ўқувчилари янги факультативлар — «Ҳуқуқшунослик», «Менежмент ва маркетинг ишлари асослари», «Дин тарихи» ва бошқаларни танлаб ўқиш имкониятига эга бўлишди. Таянч таълим асослари ягоналигича қолади, бироқ бугунги кунда ҳар бир мактаб маҳаллий шароитларни, педагогик кадрлар ва моддий-техника базасини ҳисобга олиб, қўшимча ўқувларни киритиш ҳуқуқига эга.

Тест синовлари таълим жараёнига фаол кириб келмоқда. Икки йил муқаддам педагогик олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишда биринчи бор тест-синов усулидан тажриба тариқасида фойдаланилган бўлса, эндиликда мазкур усул республикадаги барча олий ўқув юртларида, шунингдек, педагогика билим юртларида абитуриентларни саралашда қўлланилмоқда.

Икки йилдан буён Тошкент шаҳрининг Сирғали ва Мирзо Улуғбек, Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ва Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги барча мактабларда, шунингдек, республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳарида биттадан таянч мактабда битириш имтиҳонларини тест синовлари асосида ўтказиш тажриба қилиб кўрилмоқда. Шу билан биргаликда 1993 йилдаги муаммолар инобатга олиниб, Қибрай ва Мирзо Улуғбек туманларида битириш имтиҳонлари компьютер орқали ўтказилди. Бу ўқувчилар томонидан ҳам, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди.

Абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш якунлари таҳлил этилгач, тест топшириқлари ўқувчилар фойдаланиши учун мактабларга юборилмоқда. Бу эса мактаб ўқувчиларининг тест-синов материалларини ишлашда, ўзларининг ўқишга бўлган муносабатларини қайта-қайта кўриб чиқишига ва билимларини бойитиш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Республикамизда янги педагогик технологияларни излаш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳам жадал олиб борилмоқда. Таълим муассасалари тармоқлари ва таълим бериш шаклларини ислоҳ қилиш республикамизда янги турдаги мактабларни вужудга келтириш орқали рўёбга чиқарилмоқда. Ҳар бири ўз йўналишига эга бўлган 140 та гимназия ва лицей, комплекс мактаблар, 49 та мактаб-боғ, 80 та катталар таълим маркази шулар жумласидандир.

Ўнинчи синфларга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тажриба қилиб кўрилаётир.

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги 305-лицей педагогик жамоаси экологик таълим ва тарбиянинг муҳим замонавий масалаларини ҳал этаётган бўлсалар, Акмал Икромов туманидаги 107-мактаб-гимназия, Ҳамза туманидаги 307-ижтимоий-иқтисодий комплекс мактаби ва бошқа янги хилдаги таълим муассасалари педагогик жамоалари ўқувчиларга кўп ихтисосли таълим беришни тавсия этмоқдалар. Бундай мисолларни Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ҳам келтириш мумкин.

Давоми иккинчи бетда.

ДОВОН ОШГАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ДОВОН ОШГАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

Боши биринчи бетда.

Кечки мактаблар ўқув базасида ташкил этилган Катталар таълим марказлари (КТМ) ҳам кўпгина янги имкониятларни юзага чиқара олади. КТМлардаги ўқувнинг ихчамлашган тизими ўрта маълумот бериш билан бирга касб эгаллашга имкон беради, меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни аниқ ҳисобга олиб, эгаллаган касб-корини янги ихтисосга йўналтиришга шарт-шароит яратади.

Тошкентдаги 45- ва Самарқанддаги 1-катталар таълим марказларида амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги устаси, мактабдан ташқари муассасалардаги тўгарак ишларини олиб бориш ёки бошланғич синфларда меҳнат таълими ўқитувчиси, миллий дизайнер каби касблар сирлари ўргатилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги янги турдаги таълим муассасаларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, уларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, индивидуал ва оилавий, мустақил, экстерн шаклларда таълим олишга тенг имкониятларни таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратишда яқиндан кўмак бераётир.

Изланишларсиз, тажрибаларсиз олға ҳаракат қилиш, таълимда ислоҳотлар ўтказиш, янгиликларни ўзлаштириш ёки жорий этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам вазирлик айрим болалар боғчалари, мактаблар, ҳунар-техника ва педагогика билим юртлари, олий ўқув юртлари қошида қатор тажриба майдонларини вужудга келтирди. Ҳозир 100 дан ортиқ бундай тажриба майдонларида янги педагогик ғоялар, таълим мезонларини яратиш бўйича ўқув режалари, дастурлар амалий синовдан ўтказилмоқда. Чунончи, Тошкентдаги 246-мактаб педагогик жамоаси уч динамик даражада ихчамлаштирилган таълим бўйича, Намангандаги 1-, Қува шаҳридаги 3-, Гулистон шаҳридаги 8-мактаб ихтисосий таълим бўйича, Тошкент шаҳридаги 242-, 260-мактаблар, 25-ҳунар-техника билим юрти, Зангиота туманидаги 8-мактаб ва бошқалар меҳнат таълими ва тарбия бўйича тажриба-синовлар ўтказмоқдалар. Ўқув жараёнига Ўрта Осиёнинг ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Ибн Сино каби улуғ мутафаккирлари ва олимлари бой меросини ўрганиш кенг жорий этилаётир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси илмий кучларини география ва тарих ўқув курсларини этник-маданиятга доир материаллар билан тўлдирган ҳолда янги тизим ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш бўйичагина эмас, балки бошқа фанлар ўқув режаларини ишлаб чиқишга ҳам жалб этишни ҳар қачонгидан ҳам зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнинг янги турдаги таълим муассасаларимиз — лицейлар, гимназиялар, катталар таълим марказларимиз ва бошқаларга шаҳснинг ижодий имкониятларини ривожлантирувчи мутлақ янги дидактик асосларда тузилган махсус ўқув дастурлари, дарсликлар (айниқса, муқобил дастур ва дарсликлар) ниҳоятда зарур.

Фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири — иқтидорли болалар билан иш олиб боришдир. Маълумки, саводли, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш мактаб партасидан бошланади. Бу фикрни Япония, Жанубий Корея, АҚШ сингари мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Бу мамлакатларда ўқитишда психология-педагогика фанлари ютуқларига асосланган таълимнинг янги технологиясидан файдаланибгина қолмай, айни пайтда ўсиб келаётган ёш авлод — иқтидорли, қобилиятли ёшларга катта эътибор билан ёндашишади. Бизнинг республикамизда эса иқтидорлилар муаммосига алоҳида муносабатда бўлиш эндигина шакллана бошлади. Бу йўналишда иш олиб боришнинг яхлит тизими таркиб топмоқда.

«Иқтидорли болаларни излаш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш» дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Вазирликнинг республика Ўқув—услубиёт маркази қошида руҳий-педагогик ташхис махсус маркази вужудга келтирилди. Унинг ходимлари ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юқори синф ўқувчиларидан иқтидорлиларни аниқлаш бўйича тест-синовларини ўтказишмоқда. Иқтидорли ўқувчилар қизиқишлари ва қобилиятлари бўйича лицейлар, гимназиялар, айрим фанлар чуқур ўқитиладиган мактаб-интернатларга жалб қилинди.

Ана шундай мактабларнинг бири ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бундан уч йил муқаддам олимларни жалб этган ҳолда республика Санъат лицейи («Нафис санъат» мактаби) очилган эди. Унга барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 9—11-синфларга қобилиятли ўқувчилар қабул қилинди. Билим масканининг уч бўлимида ўқувчилар тасвирий санъат, она тили ва адабиёт, Марказий Осиё ва Қозоғистон тарихини чуқур ўргандилар. Шу билан биргаликда лицей ўқувчилари инглиз тилини пухта ўрганишмоқда.

Уч йилдан бери эса Ўзбекистонда қобилиятли болаларнинг кўп босқичли (туман, шаҳар, вилоят ва республика) слётлари ўтказилаётир. Худди шу асосда «Ўйла, изла, топ» телевизион кўрик-танлови ҳам вужудга келди. Слётнинг 18 ғолиби «Соғлом авлод учун» жамғармасининг стипендиясини олиб ўқимоқда. 100 нафар иқтидорли ўсмир Мирзо Улуғбек жамғармаси стипендиясини олаётир. Икки йилдан буён «АКСЕЛС» Америка ташкилоти тизими бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтган 55 ўқувчи АҚШга ўқишга юборилянти. Тошкент, Наманган, Чуст шаҳарларида бу йил ёз ойларида ёш математиклар учун ёзги оромгоҳ фаолият кўрсатди.

Ҳар бир муаллим, педагогик жамоа иқтидорли ўсмирларни эътибордан четда қолдирмаслиги, ўз вақтида унинг қобилиятини ўстиришга ёрдам бериши зарур. Бу муаллимнинг ватанпарварлик бурчи ҳамдир.

Иқтидорли ёшлар билан ишлашда умумтаълим фанлари бўйича мактаб ўқувчиларнинг анъанавий олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг республикамиз ёш фуқароларининг қобилиятини ҳар жиҳатдан шакллантириш, маҳорат ва ижодкорлик имкониятларини ўстириш учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутган «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони тадбирни янада кучайтиришга кенг имкон берди. Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам республика олимпиадаларининг 74 нафар ғолиби тест синовларисиз олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, иқтидорлилар билан иш олиб бориш бир кунлик ёки маълум муддатлик ўткинчи иш эмас, балки аҳамияти беқиёс узлуксиз педагогик фаолиятдир. Бунинг учун фақат махсус давлат молиявий дастуригина эмас, шу билан бирга бу соҳада махсус тайёргарлик кўриб шуғулланаётган мактаб педагоглари ва мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари билан мустаҳкам алоқада ишлайдиган малакали мутахассис-руҳшуносларнинг ҳам бўлиши зарур.

Қўлни қовуштириб кутиб ўтириш эмас, бу ишда жиддий ёрдам керак. Айниқса, моддий томондан ҳокиниятларнинг мадади зарур. Бундай ижтимоий аҳамиятга молик ишда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим. Истеъдодли шогирдни қобилиятли устоз камол топтиради, деган доно ҳикмат бор. Бу даврлар синовидан ўтган ҳаёт ҳақиқатидир. Чиндан ҳам таълимнинг барча тизимларида ҳал этувчи асосий ижрочи ўқитувчидир. У — устоз, мураббий, келажак эгалари камолатининг муҳандиси!

Ҳозирги пайтда республикамиз таълим муассасаларида 500 мингдан зиёд педагогик ходим меҳнат қилмоқда. Вазирлик обрўли, изланувчан, янгиликка интилувчан, ижодкор ўқитувчиларни аниқлашга уларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришга куч-ғайратини сафарбар этаётир. Ўқитувчи обрўсини оширишда, уларнинг фаоллигини ўстиришда, шунингдек, илғор ўқитувчиларнинг ибратли иш тажрибаларини оммалаштиришда республикамизда анъанавий бўлиб қолган «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловлари, муаллимлар томонидан тайёрланган янги ўқув-кўрсатма қуроллари ва кўргазмалари муҳим аҳамият касб этаяпти.

Кўрик-танловлар машъал ўқитувчилар ва педагогик жамоаларни аниқлаш имконини бераяпти. Самарқандлик бошланғич таълим муаллими Акромжон Суюнов, Жиззах вилоятидан рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Ҳанифа Раҳматуллаева ҳамда физика муаллими Сарвар Муродов, Шаҳрисабздаги 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Яшнарбек Авлоқулов, Андижон вилояти Асака туманидаги 36-мактаб химия муаллими Мадамин Саидов, Тошкентдаги 197-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Аҳида Тўлаганова ва бошқалар янги иш усуллари, ижодкорлиги, анъанавий бўлмаган иш шакллари билан республикага танилдилар.

Илғари ҳам мақолаларимдан бирида таъкидлаганимдек, бугунги кунда биз шунчаки билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъдоди билан ажралиб турувчи, ишбилармон инсонни тарбиялашимиз лозим. Бизнинг ўқувчиларимиз эндиликда ўз билимларини ҳаётнинг мураккаб шароитларида қўллай оладиган, мустақил вазифалар қўя оладиган ва ҳал эта оладиган бўлиши зарур. Буларнинг ҳаммаси таълим усулларида ўқувчиларни тарбиялаш ва камол топтиришда аҳс этмоғи лозим. Чинакам саводли ўқитувчи буни ҳамиша ёдда тутиши, қийинчиликлардан ноғиб ўтирмай, уни енгиб ўтиш йўлини изламоғи, бардошли бўлмоғи, ўқитувчи ва ўқувчининг педагогик ҳамкорлигидан фойдалана билмоғи керак. Донолар айтганидек, устоз шогирди қалбига йўл топиш учун у билими ва иши билангина эмас, айни пайтда одоб-ахлоқи, маданияти, ростгўйлик ва ширинсуханлиги билан намуна бўла олсин. Шундагина муаллим ва ўқувчи ўртасида ҳақиқий дўстона муносабат қарор топади. Бу эса ўқитувчи обрўсининг мукаддимаси, шогирд камолатининг мустаҳкам пиллапоясидир. Бу ўринда педагогнинг ватанпарварлиги ва инсонпарварлиги, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда бўлажак педагогларни тайёрлаш сифатини яхшилашгагина эмас, айни пайтда маориф соҳасида иш бошлаганларнинг меҳнат натижаларига талаб оширишга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Мамлакатимиз таълим муассасаларига педагогларни ишга қабул қилишда битим тизимига ўтилди. Шунингдек, педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг янги Низоми тасдиқланди. Ўқитувчилар малакасини ошириш масалалари қайта кўриб чиқилмоқда. Улар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда режалаштирилган ўқув курсларидан ташқари илмий-амалий анжуманлар, педагогик ўқувлар ҳам ўтказилмоқда. Шунингдек, педагогик билим университетлари, айрим ўқитувчиларнинг илғор тажриба мактаблари, таълимнинг таянч муассасалари ташкил этилаётир. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўқитувчи маҳоратини оширишга қаратилган. Шу билан бирга педагогик ходимлар сўнгги аттестацияси яунлари бизни қувонтирмади, албатта. Биз кимлар билан ишлаётганимизни, кимларнинг қўлига ўз болаларимизни ишониб топшираётганимизни билмоқчи эдик. Аттестация якунидан сўнг, шундай манзарага дуч келинди: республика умумтаълим мактаблари муаллимларининг 1 фоизигина олий тоифали, 19 фоизи I тоифали ва 34 фоизи II тоифали ўқитувчилардир. Бу рақамларнинг нимадан дарак бериши тушунарлидир.

Сўнгги йилларда республикамизда оналик ва болаликни, оила, ўқитувчилар, ўқувчилар ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича турли тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримовнинг мактаб ўқитувчилари ва ҳунар-техника билим юртлари, болалар боғчалари ва уйлари, мактабдан ташқари муассасалар ходимларига имтиёзлар тўғрисидаги фармонлари республика ўқитувчиларининг ижтимоий фаолиятига ва жамиятда тутган ўрнига берилган юксак баҳо, қадрланишдир. Мазкур эътибор туфайли қариб 35 минг халқ таълими ходими шахсий уй қуриш учун ер участкалари олди, 120 мингга яқин кишига ўзлари яшаётган давлат уйлари ва хонадонлари хусусийлаштириб берилди, барча ўқитувчилар шаҳар транспортида бепул юриш имконига эга бўлди. Шунингдек, улар шаҳарларда турар жой ва маиший хизмат учун тўловлардан 50 фоиз чегирма ва қишлоқ жойларда бу тўлов турларидан тўлиқ озод этилиш имтиёзларидан фойдаланмоқдалар.

Шу билан бирга ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларида ҳали кўпгина муаммолар ҳам бор. Улар Халқ таълими вазирлигининг, республика раҳбар ташкилотларининг доимий эътиборидадир. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан юз берган қийинчиликларга бутун эл қатори дош бера олиш биринчи навбатда, ўқитувчи, учун ҳам катта синовдир. Бу каби ва бундан ҳам мураккаб синовлардан маорифчиларимиз ҳамиша муваффақиятли ўта олганлар, юксак маънавиятли эканликларини, Ватанга, эл-юртга, жамият ишига садоқатларини намоён эта олганлар. Маорифимиз фахрийларидан бири Шораҳим Гадойбоев «Маърифат» газетасининг 17 август сонида чоп этилган мақоласида қайд этганидек, қийинчиликлар ўткинчи, мустақил Ўзбекистон боқийлигини, мамлакатимиз келажаги буюклигини, шу келажак учун ўқитувчиларимиз масъуллигини унутмаслигимиз лозим. Донишмандларимиз сабрнинг таги олтин деганлар. Бу шунчаки кутиб ўтириш эмас, фаровон турмушни вужудга келтириш учун ҳар қачонгидан самарали меҳнат қилиш, изланиш, имкониятларни ишга солиш, жамият манфаати йўлида фидойилик қилиш демакдир. Биз буюк аждодларимизни бугун ифтихор билан тилга олаётганимиз ва улар меросидан шууримизни илм нурига тўлдираётганимиз сингари келгуси авлод ҳам ўз мураббийларини фахр билан эслашига чинакам замин ярата олишимиз керак.

Маълумки, таълим бошқарувини тубдан янгилаш ислоҳотнинг энг мураккаб томонларидан биридир. Биз бошқарувни қайта шакллантиришда асосий ғоя — номарказлаштириш, яъни бошқача қилиб айтганда, ўқув юртларига тўла мустақиллик беришга интилмоқдамиз. Бу ўринда Халқ таълими вазирлиги дастурлар ва услублар билан таъминловчи масканга айланади. Бошқа барча вазифаларни жойлардаги бошқарув идораларига берамиз.

Ўзбекистонда минтақавий даражада таълимни тараққий эттиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида вазирлик Хоразм вилоятида таълимни бошқаришни такомиллаштиришнинг механизми ва технологиясини, янги шаклларини ўрганди. Бунда таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари ва раҳбарларининг назарий ва амалий тайёргарликларини аниқлашда тест синовлари ва рейтинг асосида баҳолаш усули қўлланилди. Шу муносабат билан Урганч шаҳрида республика семинар-кенгаши ўтказилди. Бу анжуман вилоят халқ таълими бошқарув идоралари ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари директорлари учун чинакам мактаб вазифасини ўтади. Тест синовлари ва рейтинг асосида баҳолаш ҳар бир ўқитувчи ва таълим муассасаси нималар устида жиддий ишлашини аниқлаш имконини берди. Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти таълим бошқаруви механизмини ўзгартиш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқдилар. Қабул қилинган тадбирлар топширилган иш участкасига раҳбар кадр сифатида ҳам, ўқитувчи сифатида ҳам масъулият туйғусини кучайтиради, уларда ўз устида мунтазам ишлаш, ўз малакасини муттасил ошира бориш кўникмасини ҳосил қилади.

Айни бир пайтда таълим бошқаруви механизмини такомиллаштириш масалалари устида иш олиб бориш изчилликни, узлуксизликни, жонкуярликни тақозо этади. Чунки, ҳали барча ўқитувчилар ҳам ўз билимларини тест асосида синовдан ўтказишни, беш балли баҳолашни ва бошқаларни маъқуллаб кутиб олганларича йўқ. Янгилик эса ўзига равон йўл оча бориши лозим!

Таълим бошқарувини ислоҳ қилиш бошқарув механизмини ноанъанавий ихчамлаштиришдан фойдаланиш йўли билан амалга оширилмоқда. Педагоглар ва халқ таълими раҳбар ходимларини рағбатлантирувчи аттестация, таълим фаолиятини лицензиялашнинг бошланиши, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитлаш шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда мактаб ҳаётида ҳали мавжуд бўлган маъмурий буйруқбозлик ва қоғозбозликни бартараф этиш учун мактаб ҳаётини демократиялаш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилди. Маҳаллий ташаббус билан бошланган бу режалар муқобил уйғунлашув асосида марказлашиши орқали қабул қилинган қарорларнинг турли хилда бўлиши билан характерланадиган бошқарувнинг ихчам, динамик таркибини ишлаб чиқишга имкон беради.

Таълим муассасаларининг раҳбарлари ўз фаолиятлари пировард натижаларини олдиндан чамалаб кўра олишни ўрганмоқдалар. Ўқув муассасалари молиявий ва хўжалик мустақиллигини кенгайтиришни кўзлаган ҳолда ишлашнинг иқтисодий механизми асосида фаолият кўрсатишга ўтказилаётир.

Янги 1994—95 ўқув йилида биз таълим идоралари, ўқув-тарбия муассасалари фаолиятига тизимли ва дастурли-мақсадли ёндашувни жорий этиш бўйича ишларни давом эттирамиз. Республикамизда умумий ўрта таълим, ҳунар-техника таълими, мактабгача тарбия, тарбиявий ишлар тизимлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ўқув фанлари бўйича бир қатор концепциялар кўриб чиқиш давом эттирилаяпти. Бу йил ўқувчилар ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш тизими ва махсус «Мактаб — оила—маҳалла» дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатлар амалиётда ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар бераётир. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги «Бўзовчи» маҳалласида ўсмирлар билан иш олиб бориш йўлга қўйилди. Кўпни кўрган оқсоқоллар ва 290-мактаб раҳбарлари маҳалла марказида ўсмирлар ўқишдан бўш вақтларида шуғулланадиган курслар ташкил этишди. Бу ерда улар сартарошлик, нонвойлик, тикувчилик каби касбларни ўрганишаяпти. Ёз ойларида клубда спорт секциялари, теннис тўгараги ишлайди, лекция ва суҳбатлар ўтказилади. Умуман, маҳалла маркази ёшларнинг иккинчи уйига айланди. Бундай ибратли маҳаллаларнинг кўпроқ бўлишини истаймиз, албатта!

Таълим иқтисодини ислоҳ қилиш энг муҳим масалалардан биридир. Чунки бозор иқтисоди бутун жамиятга ва унинг тизимларига ўз таъсирини кўрсатаётир. Шубҳасиз, бундай шароитда таълим ҳам бозор қонуниятлари асосида ривожланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод умумтаълим тайёргарлигидаги иноқлиги ҳолатини бартараф этишнинг қандай йўллари мавжуд? Таълим иқтисоди бозор иқтисодида қандай иштирок этиши мумкин? Шу каби саволлар билан кўпчилик халқ таълими ходимлари ва ўқитувчилар менга мурожаат қилишади.

Республикамизда мазкур йўналишда ишлар олиб борилмоқда. Иқтисодий соҳаларга йўналтирилган мактаблар ва синфларнинг очилиши, катталар таълим марказларида ва ҳунар-техника билим юртларида менеджерлар тайёрлаш, махсус ўқув дастури асосидаги ўқув курсларининг таълим жараёнига киритилиши, ўқувчилар маҳсулот ишлаб чиқарадиган цехлар, участкалар, ҳунар-техника билим юртлари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари кучи билан тайёрланган маҳсулотларни сотиш бўйича кимошди савдолари ҳамда ярмаркаларнинг ташкил этилиши ишлар сирасига киради.

Буларнинг барчаси ишнинг бошланиши, холос. Бироқ бозор энг зарурий даражадаги таълим иқтисодига ўтишни талаб этаяпти.

Бозор иқтисоди шароитида кўпгина ўзгаришлар юз бериши табиий. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

— таълим таркиби бозор таъсирида шаклланади;

— янги турдаги хилма-хил таълим муассасалари пайдо бўлади. Уларнинг айримлари ҳозироқ мавжуд, (коллежлар, лицейлар, гимназиялар, турли мақомдаги махсус ўқув юртлари);

— таълим хизматининг пулли шакллари ривож топади;

— таълим хизматида моддий манфаатдорлик кучаяди;

— аниқ ишбилармонлик имконияти бўйича кадрларни тақсимлашнинг аҳамияти ортиб боради.

Мутахассислар ихтисосий тайёргарлигининг аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Ва, шубҳасиз, ёш авлод таълим тайёргарлигига кафолат ҳам ортади.

Мактабларни молиявий таъминлаш манбалари эндиликда қандай бўлиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Асосий манба давлат маблағи бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шу билан бирга қатор педагогик жамоаларнинг изланишлари таъминотнинг бошқа манбавий йўллари борлигини ҳамда яна бошқалари ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

— шартномалар тузиш орқали моддий характердаги ишлар (хизматлар)дан келадиган тушумлар;

— ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида тайёрланган маҳсулотларни сотишдан ҳосил бўладиган даромадлар;

— таълим бўйича хизматга қўшимча (ўқув режаларидан зиёд) учун тўланадиган ҳақдан келадиган тушумлар;

— бинолар, иншоотлар, ускуналарни ижарага беришдан келадиган тушумлар;

— давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари ҳамда ташкилотлари, шунингдек, айрим фуқаролар томонидан ажратиладиган кўнгилли бадаллар.

Бу ўринда айрим мисолларни ҳам келтиришимиз мумкин. Кўпгина катталар таълим марказларида ўқувчилар учун аралаш касбларни эгаллаш, касб-кор тайёргарлигининг пулли хизмати, шартнома асосида корхоналар ва ташкилотлар ходимларига ўзбек ва инглиз тилларини ўқитиш бўйича, олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов бўйича пулли курслар жорий этилди. Булар мазкур мактабларнинг мустақил ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишига имкон яратади. Ҳозирдаёқ айрим катталар таълим марказларининг жамғарма банкларида ҳисоб рақамлари ва чек дафтарчалари бор, айримларининг маблағлари эса шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларининг махсус ҳисоб рақамида туради.

Умуман, юқорида қайд этганларимиздан кўриниб турибдики, янги ўқув йилида ҳам кўпгина мураккаб ва муҳим вазифаларни ҳал этишимиз керак. Энг муҳими, ҳаракат ва интилиш бор. Ҳамма нарсани пухта ўйлаш, барча имкониятларни ишга солиш, жиддий нуқсонларга йўл қўймаслик зарур.

Фаолиятимизда ҳамма ишларимиз ҳам кўнгилдагидек юришиб кетаяпти, деб айта олмаймиз, албатта. Ўқув дастурлари катта ўзгаришларни талаб этади. Кўпинча дарсликларимиз бугунги кун ҳақиқатини қамраб олишга улгуролмаяпти. Бундан эса нашриётлар ҳам жабр кўрмоқда. Ўқитувчи кадрлар аттестациясини ўтказиш такомиллашганлигини амалиёт кўрсатмоқда. Педагогик маҳоратни баҳолаш мезонлари ҳам, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ҳам ҳали талаб даражасида эмас.

Янги ўқув йилида халқ таълимини янада чуқур ислоҳ қилиш бўйича халқ таълими ходимлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Биринчидан, биз мактаб остонасига қадам қўйган ҳар бир бола ўқувга тайёр ҳолда келишига эришишимиз зарур. Ҳолбуки ,республикамизда болаларнинг бор-йўғи 31 фоизигина мактабгача таълим муассасаларида тарбиялланмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, 1,2 миллион бола боғчаларда мактабгача тайёргарлик жараёнидан ўтаётир. Қолганлари-чи? Уларнинг тайёргарлиги мактаб зиммасига тушаяпти. Бу кичкинтойлар оддий ўқув талабларини, оддий ҳисоб қоидаларини, алифбо ҳарфларини билмаган ҳолда, болалар ва катталар билан муомала қилиш сўз бойлигига эга бўлмай туриб мактаб остонасига қадам қўймоқдалар.

Ривожланган чет эл мамлакатларида қилинаётганидек, бу масалада асосий масъулият оила, ота-она зиммасида бўлмоғи лозим. Нега? Ҳақиқатнинг ўзи кўрсатиб туради: ота-она ўз боласи фазилатларини, унинг шахсий қобилиятини, бола ўсган шарт-шароитни ҳаммадан яхшироқ билади. Худди шунинг учун ҳар бир ота-она ўз имкониятидан фойдаланган ҳолда ўғил-қизини мактабга тайёрлаши қулай ва осон кечади. Бундан ташқари, ота-онанинг ўз боласини мактабга тайёрлашининг муваффақиятини таъминловчи бошқа омил ҳам бор. Боласини мактабга берадиган ота-оналарнинг кўпчилигининг ёши 20-27 атрофида. Бу ота-оналар ўрта ёки олий маълумотли, саводли кишилардир. Демак, ота-оналар умумтаълимида сабоқ олган бола, шубҳасиз, мактабга тайёр ҳолда келади.

Ота-оналарга педагогик умумтаълим ўқувлари орқали болани ўқитишнинг айрим услубий билимларини бериш, албатта, халқ таълими бошқарув идоралари шуғулланадиган ишдир.

Ўз болаларини мактабга мустақил тайёрлаш шарт-шароитига эга бўлмаган ота-оналар учун бошқача имкониятлар ҳам бор. Бу — маҳаллалар қошида болаларни мактабга тайёрлов гуруҳларини очиш. Чунки ҳар бир маҳаллада бу ишга қобилиятли, саводли фуқаролар топилади. Бундан ташқари, болалар боғчалари қошида шанба ва якшанба кунлари бўлажак биринчи синф ўқувчиларини тарбиялаш гуруҳлари машғулотларини ўтказиш ҳам мумкин. Бундай гуруҳлар машғулотларини мактаблар яқинидаги шарт-шароити бўлган турар-жойларда ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, мактабгача тарбия дастурларини ҳам, тарбия шаклларини ҳам жиддий ўзгартиришимизга тўғри келади. Мактабгача тарбия дастури, албатта, боланинг соғломлиги ва ривожланишини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Бундан хулоса шуки, агар бу дастур босқичма-босқич амалга оширишга эришилса, болалар умумий тайёргарлик даражаси ўсади. Ана шунда ҳар бир бола алифбо ўрганиш даврини четлаб ўтиб, мактабга келибоқ ўқишни бошлайди.

Мактабгача тарбия шакллари эса хилма-хил. Булар — уй боғчалари, фермерлик хўжаликлари қошидаги болалар боғчалари, кўпқаватли уйлар ва маҳаллалар қошидаги «Митти боғчалар», умумтаълим мактаблари қошидаги мактабгача тарбия гуруҳлари ва, албатта, мактаб-боғчалардир. Мактабгача тарбиянинг ривожланиши керак бўлган бу шаклларидан кўриниб турибдики, болаларни катта гуруҳларда тарбиялашдан уларни индивидуал тарбиялашга аста-секин ўтиб борилади. Бу айни пайтда болаларни овқатлантириш, уларга медицина хизмати кўрсатиш, ўйин фаолиятига қамраб олиш ва ҳар бирига индивидуал ёндашиш масалаларини ҳал этишни ҳам енгиллаштиради.

Иккинчидан, янги ўқув йилида таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш, уни керакли йўналишга солиш учун ҳар йили педагогик диагнозлашни ўтказиш зарур. Ундан кўзланган мақсад, жаҳон мезонларига яқинлашган ҳолда давлат таълим дастурининг ўзлаштирилишини аниқ белгилашдир. Биз ўқувчилар билим даражаларини, ўқитувчи фаолияти натижаларини аниқ билишимиз керак.

Халқ таълими бошқарув идораларининг ҳар бир раҳбари ўтган ўқув йили натижаларини таҳлил этиб, ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича ўз вазифаларини аниқ белгилаб олиши, биз демократик, ҳуқуқий давлат қураётганлигимизни ҳисобга олган ҳолда жамиятда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида илғаб, чора-тадбирлар кўриши зарур.

Биз ўзимизнинг бутун фаолиятимиз билан халқимизнинг энг улуғ ва мўътабар байрами — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олиш учун интилдик. Ана шу тантанали кунларда барча таълим муассасаларимизда байрамга бағишланган тадбирлар — кўрик-танловлар, мусобақалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, олимлар, жамоат арбоблари, ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар бўлиб ўтади. Ўқув йилининг дастлабки дарси «1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни» мавзусида ўтказилади. Юқори синф ўқувчилари «Ўзбекистон — Ватаним менинг!» мавзусида иншолар ёзадилар. Ўқувчи ва талабаларнинг байрамга бағишланган йиғинлари, илмий-амалий анжуманлари, топқирлик баҳслари ўтказилади. Умуман, таълим муассасаларида ўтказиладиган барча тадбирлар ўз мазмуни билан ёш авлоднинг Ватан мустақиллигига садоқатининг, келажакка ишончининг тантанали намойишларига айланади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, барча халқ таълими ходимларини, ўқувчи ва талабаларни, уларнинг ота-оналарини, таълим ишининг барча жонкуярларини яқинлашиб келаётган улуғ байрам — Мустақиллик куни билан, янги ўқув йилининг бошланиши билан чин қалбдан қутлайман. Сизларга ҳамиша мустаҳкам саломатлик, ҳаётингизда тинчлик ва фаровонлик, меҳнат фаолиятингизда ва ўқишингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!

«ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ»

«МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ» БЎЙИЧА ИЖТИМОИЙ ФАН ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

Мана, уч йилдирки, жаҳон пешайвонида мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳилпираб турибди. Харитада Ўзбекистон аталмиш ўзига хос янги давлат пайдо бўлди. Бинобарин, бундан буён ҳар бир янги ўқув йили «Мустақиллик дарси» билан бошланадиган бўлган. Биз бу дарсни «Ўзбекистон— келажаги буюк давлат» деб номлашни лозим топдик.

Азиз муаллим, мустақиллик дарсини ўтиш каби масъулиятли вазифа зиммангизга тушган бўлса, унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриб қўйган бўлишингиз лозим. Чунки ўша дарсдаги муваффақиятингиз бутун ўқув йили давомида орзу қилиб келган миллий мустақилликка эришганлигига ўқувчилар эътиборини қаратиши даркор. Мисол тариқасида миллий истиқлол, иқтисодий фаровонликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий тараққиёт, маънавий равнақнинг ўзига хос йўлини танлаб олган ўлкамизда замонавий, инсоний турмуш тарзининг шарт-шароитлари вужудга келтирилаётгани қайд қилинади. Ўқитувчи ўзи келтирган мисолларга таянган ҳолда Ўзбекистон келажаги буюклигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериши лозим. Бинобарин, бунинг энг муҳим омилларидан бири ўз умрини яшаб бўлган ижтимоий тартибларни тугатиш ва янги турмуш қуриш давомида собиқ империя ва унинг реакцион сиёсатига қарши курашиш эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлишининг маънавий-руҳий мезонлари тўғрисида гап борганда, ўқитувчи ўз қарашларини фрейдизм (Зигмунд Фрейд — 1856—1939 й.) таълимотига суянган ҳолда асослаб берса, айни муддао бўлур эди. Унинг таълимотига кўра озодлик ва мустақиллик учун кураш ғояси инсон онги ортида асрлар оша ясириниб ётади. Қулай ижтимоий шароит пайдо бўлиши билан, у юзага қалқиб чиқиб, моддий кучга айланади. Энди уни ҳеч бир нарса тўхтата олмайди. Чунончи, ўзбек халқи чоризм ва унинг қонуний вориси бўлмиш Советларга қарши 130 йил давомида, аввал жадидчилик, кейинроқ «босмачилик», ва ниҳоят, миллий қадриятларни тиклаш йўлида гоҳ ошкора, гоҳ ясирин миллий—озодлик урушлари олиб борди, ҳамда улуғ ғалабага — Истиқлолга эришди.

Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлишининг маданий-маърифий ва моддий асослари эса қуйидагича:

Аввало, ўзбек халқининг поклиги, ҳалоллиги, одиллиги, бой умуминсоний қадриятларга эгалиги, Президент И. Каримов таъбири билан айтганда, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан ажралиб турадиган кўнгли очиқ, танти, меҳнатсевар, меҳмондўст ва мағрур халқимиз борлиги. Зеро, бу халқ жаҳон цивилизацияси бешигини тебратган буюк зотларни етиштирган халқ ҳисобланади.

Иккинчиси — Ўзбекистоннинг мўлкўл моддий бойликка эгалиги. Ватанимиз олтин қазиб чиқаришда жаҳонда саккизинчи ўринни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда бешинчи, мис қазиб чиқариш бўйича ўнинчи ўринни эгаллаб турибди. Пахта етиштириш бўйича эса жаҳонда учинчи поғонада.

Шундай қилиб, ўқитувчи мазкур дарснинг кириш қисмида Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлиши муқаррар эканлигини илмий-назарий, маънавий-руҳий ҳамда маданий маърифий ва моддий жиҳатдан асослаб бериши лозим.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўз тараққиёт йўналишларини ишлаб чиқди. Шу ерда ўқитувчи жаҳоннинг мустақил давлатлари тажрибасидан жонли мисоллар келтириб, уларни Ўзбекистоннинг истиқлол йўли билан таққослаб бериши мумкин. Шундан сўнг у Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ XIV сессиясида юртбошимиз И. Каримов белгилаб берган истиқлол йўлларини бирма-бир синф тахтасига ёзиб, мазмунини очиб берса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳозирги пайтда шаклланаётган миллий мафкура жамиятимизнинг маънавий асоси ҳисобланади. Унда истиқлол белгилари ўз аксини топган. Бу белгилар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, аҳолига ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратиш, соғлом авлодни ўстириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг халқаро ҳуқуқ намуналарини ишлаб чиқишда ифодаланади.

Дарснинг сўнгги режаси истиқлолга тўсқинлик қилаётган нуқсонлар. Мана, уч йилдан бери иқтисодий ислоҳот бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига мувофиқ амалга оширилмоқда, халқ хўжалиги режалари бутунлай янгича асосда тузилмоқда. Бюрократик давлат аппаратлари тугатилиб, хўжаликка раҳбарлик қилиш тадбиркор одамлар қўлига ўтмоқда. Лекин барибир бу борада туб ўзгаришлар унчалик кўзга ташланмай турибди. Нима учун? Ўқитувчи бунинг сабабларини тушунтириб бериши лозим. Биринчидан, ишлаб чиқаришнинг боқимандалик характерига эгалиги. Масалан, ҳозир Ўзбекистонда 2444 та жамоа хўжалиги бор. Уларнинг 500 таси 1993 йилда норентабель хўжалик эди. Ҳукуматимизнинг шу йилги фармони билан бу хўжаликларга ўзини тиклаб олишлари учун 178 миллард сўм-купон қарз берилди. Бундай нуқсонларни бартараф этишнинг ягона йўли саноатни, хусусан, қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич хусусийлаштириш, ерни, мол-мулкни ўзининг ҳақиқий хўжайинларига топшириш. Ўқитувчи бу борада мактаб жойлашган туманда амалга оширилаётган ишлардан бир-иккита жонли мисоллар келтиради.

Иккинчидан, аҳоли топаётган қўшимча даромадлар устидан тўлиқ давлат назоратининг ўтнатилмаганлиги, давлат-назорат механизмининг бу соҳада ҳали номукаммаллиги. Шу ерда ўқитувчи давлат бюджетидаги камомадлар, нобаланс иқтисодиёт, катта дотациялар шу туфайли пайдо бўлаётганлигини ўқувчиларга тушунтириб бериши керак.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг фақат бир томонлама ихтисослашганлиги. Мустақил республика учун ҳамма нарса керак. Бунинг учун ишлаб чиқариш доирасини кенгайтириш лозим. Дарсда бу нуқсонларни бартараф этиш бўйича республикада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида, хусусан, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб ўтилади.

Ўзбекистондаги буюк яратувчилик ишлари илмий, назарий, маънавий ва маданий жиҳатдан ҳам жаҳоннинг синалган мезонлари, чет эл мутахассисларининг синовчан кузатувлари асосида амалга оширилаётганлигини ҳам уқтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Энди ўқувчилар онгида Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлиги объектив заруратдир, деган қўнникмани ҳам ҳосил қилиши лозим. Бунинг учун дарс охирида ўқувчилар эътиборини мустақил Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган тинчликсевар ташқи иқтисодий сиёсатга қаратасиз. Ўтган қисқа давр ичида уни жаҳоннинг энг нуфузли давлатлари — АҚШ, Англия, Франция, Голландия, Германия танигани ва тан олгани, жаҳоннинг энг обрўли ва мартабали ташкилотларига қабул қилингани, республикамизда жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлат элчихоналари фаол иш олиб бораётганлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси тепасида ҳур республикамиз байроғининг ҳам ҳилпираб туриши дунёнинг Ўзбекистонга юз тутаётганлиги натижаси эканлиги таъкидланади. Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлигини барпо этиш борасида Президент И. Каримов кўтарган ва амалга ошираётган ташаббусга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қариндошлиги, умумий орзу-умидлари бор. Уларни ҳеч қандай куч бир-биридан ажрата олмайди, деб дарсни якунлашингиз мумкин. Бу ўқувчиларда миллий муносабатларни, миллий муомала маданиятини шакллантиради. Ўзбекистоннинг маънавий қадриятларини эъзозлайдиган ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

Ғойибназар МАҲМУДНАЗАРОВ,
А. Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

МУҲИМИ ШАРОИТ ВА МУҲИТ

Буюк немисзабон ёзувчи Франц Кафка ўз мактубларидан бирида «Маънавий муҳит ва шарт-шароитнинг етакчи эканлигига янада чуқурроқ амин бўляпман» деб ёзади. Ҳақ гап. Зеро, биз амалга оширадиган ҳар бир иш самараси у ёки бу жиҳатдан юқоридаги икки омилга боғлиқ.

Янги ўқув йилининг бошланишига ҳам оз кунлар қолди. Мактаблар таъмири, уларнинг ўқув йилига нечоғли тайёрлиги ўқувчиларнинг пухта билим олишининг асосий замини ҳисобланади. Шароитнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши ўқувчиларга маънавий кўтаринкилик бахш этади.

Хўш, шу кунга қадар ўқув муассасаларининг ўқув йилига тайёргарлиги қай аҳволда? Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган йиғилиш шу масалага бағишланди. Уни вазир ўринбосари М. Султонов бошқарди. Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, бу борада республика мактаблари, ўқув-тарбия муассасаларида талай ишлар амалга оширилди. Биноларни ялпи ва жорий таъмирдан чиқариш, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари баҳолн қудрат уддаланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги мавжуд мактаблар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Лекин Сирдарё, Фарғона вилоятларида бу муҳим тадбир анча оқсамоқда. Айниқса, Сирдарё вилоятида ўқув муассасаларининг 88 фоизигина жорий таъмирдан чиқарилгани келишилмас ҳолдир. Бугунги кунда ҳар бир ишни давр қаричи билан ўлчамоқ лозим. Юқорига кўз тикиб ўтириш замонлари ортда қолди. Биз ҳар бир имкониятни ишга солмоғимиз зарур.

Йиғилишда мактаблар ёнатрофини ободонлаштириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



Шаҳрисабз туманидаги 32-ҳунар-техника билим юртининг ташкил этилганлигига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ билим юртида ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, бу ерда талабалар ўқиш билан бирга чилангарлик, кулолчилик, ганчкорлик каби ўнлаб ноёб ҳунар сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

Суратда: билим юрти талабалари ишлаб чиқариш пайтдан лавҳа.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

МЕҲРДА ГАП КЎП

Йўлда кетаётганимизда қизчам ўтлоқда диркиллаб чопиб юрган қўзичоқни кўрсатиб сўради:

— Дада, анови қўзичоқ ҳам боғчага борадими?

— Йўқ, бормайди.

— Меням қўзичоқ бўгим келяпти.

Топган гапини қаранг. Мен аслида ҳамма бола ҳам яслига боришни истамайди, деб ўйлаб юрар эдим.

Бироқ дам олиш куйлари ҳам боғчага бораман деб хархаша қиладиган болалар ҳам бор экан.

Танишим Мўминжон Эрматнинг ота-ўғли Мансур ана шунақа бола. Бунинг сабаби боғча опаларининг меҳрибонлигида деб билдим ва йўлим тушганда Мансур тарбияланаётган Акмал Икромов туманидаги 244-болалар боғчасига кирдим.

Ҳақиқатан ҳам тарбиячилар яхши экан. Яхшики, ҳамма болаларни ўзининг фарзандидек кўради. Бунинг устига овқатлари сифатли. Болаларга сариёғ, тухум берилади.

— Болаларнинг тарбиясида боғчадаги муҳит катта рол ўйнайди,— деди мудира Малика Толипова.— Болаларнинг илк муомаласи, бошқаларга муносабати шу ерда куртак ёзади. Масалан, шундай фарзандлар борки, ушлаган нарсасини «ўзиники» қилиб олади. Бошқаларга бергиси келмайди. Ана шунда болани алдаб ўйинчоғини ўртоқлари билан ўйнамоққа ўргатиш яхшилик аломати. Бу боланинг саҳий, демакки, яхши бўлиб улғайиши учун хизмат қилади.

Боғчани айланиб, болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб, қани энди, ҳамма яслиларда ҳам шундай шароит бўлса, деб орзу қилдик.

А. ЖУРАЕВ.

«Ромашка» болалар боғчаси Пахтакор туманидагина эмас, балки Жиззах вилоятида ҳам намунали мактабгача тарбия муассасаларидан бири. Мазкур боғча қошида бир неча хонадон боғчалари ҳам фаолият кўрсатаётир. Улардан бири Нориниса Башированинг уй боғчасидир. Нориниса опа меҳнат аҳлининг 8 нафар ўғил-қизини меҳр оғушида парвариш қилаяпти.

Суратда: Н. Баширова болакайларни овқатлантираяпти.

Суратқаш У. ҚУШВОҚОВ.

«КОЛУМБДА БОР АЛАМИМ МАНИМ...»

табиият—жуғрофия фанларида миллий қадриятлар масаласи

Ўз тарихини, миллий қадриятларини билмаган инсон халқ жонкуяри бўла олмайди. Ўз Ватанини севмаган, унинг учун жонини фидо эта олмайдиганлардан эса яхшилик кутиб бўлмайди. Шу боис, мактабдан бошлаб бу ишга масъулият билан қараш, дарсларда қадриятлар ҳақида болаларга батафсил маълумотлар бериб бориш даркор.

Марказий Осиёда туғилиб вояга етган ёки айрим сабабларга кўра бошқа ўлкаларга кетиб қолиб, ўша ерда ҳам жуғрофия фани ривожи учун хизмат қилиб, обрў-эътибор қозонган ватандошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Хоразмий (IX аср, «Жуғрофия асари»), Термизий (IX аср, «Солнома ва Наврўзнома»), Жайҳоний (IX аср, «Масофалар ва мамлакатлар китоби»), Балхий (IX аср, «Ер суратининг тасвири»), Наршахий (X аср, «Бухоро тарихи»), Хоразмий (X аср, «Илмлар калити»), Беруний (X—XI аср, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Минерология», «Геодезия», «Қонуни Маъсудий»), Носир Хусрав (XI аср, «Сафарнома»), Маҳмуд Қошғарий (XI аср, «Девону луғотит турк»), Бобур (XVI аср, «Бобурнома»), Мирзо Улуғбек (XV аср, «Осмон жисмлари») каби ватандошларимизнинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган.

Юқорида номлари зикр этилган буюк жуғроф, сайёҳ ва олимларнинг қимматбаҳо меросини ўрганиш, ўқувчилар онгига сингдириш ўқитувчилардан юксак билим, маҳорат ва изланувчанликни талаб этади. Бобокалонларимиз ва уларнинг илмий ишлари тўғрисида Ўзбек Совет қомусининг 14 томи ва ундан ташқари олий ўқув юртларининг талабалари учун чоп этилган баъзи бир адабиётларда, қисман бўлса-да, маълумотлар берилган.

1993—94 ўқув йилида 8-синфда «Ўзбекистон табиий жуғрофияси» ўқитилди. Агар эътибор берган бўлсангиз, унда ватандошларимиз меросини ўрганиш учун бир соат вақт ажратилган, холос. Фикримизча, бу борадаги дарс соатларини кўпайтириш ва унинг ҳисобига олим ва сайёҳлар фаолиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Жуғрофия дарсликларининг қизиқарли бўлиши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Сабоқ жараёнида турли манбалардан, воситалардан фойдаланиш, кўргазмали чиқишлар қилиш, синфлараро жуғрофий ўйинлар, баҳс-мунозаралар, мусобақалар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Бобокалонларимизнинг ҳаёти ва ижодига, таваллуд кунларига бағишлаб кечалар ўтказиш, алломаларнинг қадамжоларини харитага тушириб, маърузалар ташкил этиш ҳам айни муддаодир.

5-синфда давлат дастурлари асосида табиатшунослик фани ўрганилаётганда курраи заминнинг шакли ва катталиги мавзусида буюк ўзбек олими, жуғрофи Абу Райҳон Берунийнинг Ернинг шар шаклида эканлигини, у биринчилардан бўлиб глобус яратганлигини, ер шари айланмасини дастлаб ҳисоблаб чиққанлигини, Ер ўз ўқи атрофида бир кеча-кундузда бир марта тўлиқ айланиб чиқишини, Қуёш тизимининг тузилиши ҳақидаги таълимотни яратиб, илмий нуқтаи назардан исботлаб берганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. «Тураржойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш» асари 1025 йил 18 ноябрда ёзиб тугатилган. Унинг бирдан-бир қўлёзмаси Истамбулда сақланмоқда. Ушбу қўлёзмадан биринчи марта қилинган таржима ҳам рус тилида бўлиб, «Геодезия» номи билан чоп этилди. «Геодезия» Берунийнинг дунёқарашини белгилашда муҳим манбалардан ҳисобланади. Олим жуғрофий асарларида Ҳиндистон ҳақида бой маълумотлар келтирган. Ҳозирги замон ҳинд олимлари ҳам Берунийнинг географик маълумотларини қўпинча ҳаққоний, ишончли ва замонавий деб кўрсатмоқдалар. У Осиё ва Африка қитъалари орасида бир вақтлар бўғоз бўлган ва Ер шарининг жанубий томонида қуруқлик мавжуд деб тахмин қилган. Беруний қолдирган ноёб маълумотлар Шарқ жуғрофий адабиётларида муҳим аҳамият касб этган.

6-синфда бошланғич табиий география курсида «Ер ҳақидаги билимларнинг ривожланиши» мавзуси ўтилаётганда Беруний тарихда биринчи глобусни Хоразмда ясаганлигини таъкидлаш жоиз. Ўша глобуснинг диаметри тахминан 5 метр бўлган. У шаҳарлар орасидаги масофаларни ўлчаш, кенглик ва узунликларни аниқлаш учун мўлжаллангани тарихдан аён. Орадан 400 йил ўтгандан сўнг, немис олими М. Бехайм ясаган глобусда Жанубий Америка ва Шимолий Америка бўлмаган. Бу материклар европаликларга кейинроқ маълум бўлган.

Абу Райҳон Беруний жойларнинг географик узоқлигини ва кенглигини аниқлаш йўлларини ишлаб чиқишда ҳам қатор янгиликлар очди. У турли географик пунктларнинг кенглиги ва узоқлигини аниқлашда эришган натижалар ҳозирги замон олимларини ҳам ҳайратда қолдирмоқда. Зеро,— 6-синфда «Ернинг шакли ва ўлчамлари», «Глобус» «Градус тўри», «Географик кенглик», «Географик узунлик» мавзуларини ўтишда Беруний меросидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жуғрофий кенглик, узунлик ва жойларнинг координатларини тушунтиришда Берунийнинг «Қонуни Маъсудий» асарини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Китобни буюк аллома умрининг охирида, 1035—1041 йилларда ёзиб тамомлаган. Китоб 11 мақоладан иборат бўлиб, 5-мақоладаги IX—X боблар тўлиқ жуғрофияга бағишланган. Асарда дунёдаги 603 та жойнинг жуғрофий координатлари берилган.

«Атмосфера» мавзуси ўрганилаётганда атмосферанинг инсон ҳаётидаги ва табиатдаги аҳамияти, тузилиши, атмосфера босими, атмосферани ўрганиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида гапираётиб, олимнинг «Метеорология ва климатология» асарига тўхталиш лозим. Ушбу қўлланмада обҳаво ва иқлим тўғрисида тушунчалар берилган. Беруний атмосферани қисмларга ажратади ва унинг пастки қисмини қуйидагича таърифлайди: «Атмосферанинг пастки қисми жуда ўзгарувчан бўлиб, унда буғлар, булутлар ҳосил бўлади. Улардан ёмғир, қор, дўл ёғади. Шудринг, қиров ҳосил бўлади. Чақмоқ, момоқалдироқ ва Рустам камари (Камалак) пайдо бўлади».

Бу фикрлар бирмунча содда, лекин тўғри ва илмийдир. Беруний наздидаги пастки қисм ҳозирги фанда тропосфера деб аталади. Унинг қалинлиги экватор устида 17 км, қутбларда 8—9 км, ўртача кенгликларда эса 10—11 км бўлиб, бу қатламда бутун ҳаво массасининг 80 фоизга яқин қисми тўпланган.

7-синфда «Материк ва океанлар жуғрофияси»да «Американинг кашф этилиши ва текширилиши тарихидан» деган мавзу ўтилади. Маълумки, Америка қитъасини 1492 йилда Христофор Колумб кашф этган дейилади. Бизнингча, мавзуни баён этишда Колумб саёҳатлари билан чекланиб, қолмаслик керак, чунки бу борада Берунийнинг катта хизматлари бор. У Ғарбий паллада, денгизлар орқасида ҳозирги Америка қитъаси ўрнида катта қуруқлик борлигини аниқ айтиб берган эди. Колумб сафарга тайёргарлик кўриш вақтида Беруний ёзиб қолдирган асарлар, қўлланмалар, дарсликлар ва рисолаларни ўқиб, ўрганиб илҳом олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

8-синфда «Ўзбекистон табиий жуғрофияси» курсида «Ўзбекистон табиати ва табиий бойликларини ўрганиш тарихидан» мавзуси ўрганилаётганда Туркистондан етишиб чиққан буюк ватандошларимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий каби олимлар ўлкамиз жуғрофияси ривожига баракали ҳисса қўшгани уқтирилади. Бу олимлар ўлкамиз табиатини тасвирлаш билангина чекланмай, унинг ривожланишидаги айрим муҳим қонуниятларини ҳам изоҳлаб берганлар. Беруний Қизилқум ва Қорақум чўлларининг, Амударё эски ўзанларининг геологик тарихини, айрим фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалиш қонуниятларини тўғри тушунтириб берган. Ибн Сино «Китоб аш-Ишора» асарининг «Табиат» деб аталган қисмида тоғ жинслари ва минералларнинг, йирик ер юзасининг шакллари — тоғлар, водийлар, текисликларнинг пайдо бўлиши ва доимо ўзгариб туриши тўғрисида муҳим фикрларни баён қилган.

Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарига ўзи тузган дунё харитаси (дунёнинг доира шаклидаги тасвири)ни илова қилган. Карта асосан шарқий ярим шарга тўғри келади. Шартли қабул қилинган бўёқлар ранги доира ташқарисида тўрт жойда сўз билан изоҳланган. Чизиқнинг тўқ яшил бўёқда кўрсатилганлиги Ер юзини ҳамма тарафдан океанлар ўраб олганлигини билдиради.

М. Қошғарий тузган дунё харитасида ўлкамизнинг кўплаб табиий объектлари, жумладан, Олой, Туркистон, Зарафшон тоғлари, Фарғона тизмаси, Чотқол ва Талас тоғлари, Қорақум чўли, Бахш водийси акс этган. Темурийлар даврида (XIV аср охири —XV аср) ўлкамиз жуғрофиясига оид маълумотлар кенгая борди. Атоқли астроном ва маърифатпарвар олим Улуғбек ҳокимияти йиллари табиётшунослик фанлари қаторида табиий жуғрофия ҳам анча юксалди.

XV аср охири ва XVI асрнинг бошида яшаб ижод этган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Ҳайдар Мирзоларнинг илмий мероси Ўзбекистон ҳудуди табиати ҳақидаги жуғрофий тасаввурларнинг ривожида алоҳида ўрин тутади. Бобур машҳур давлат арбоби бўлиши билан бирга зукко жуғроф олим ҳамдир. У Фарғона водийси ҳамда Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларини бир неча марта кезиб, у ерларнинг табиатини чуқур ўрганган. Ўз ҳаёти ва юришларини, мамлакатларнинг иқтисодий ва маданий аҳволини зўр маҳорат билан тасвирлаб, бадиий ва тарихий жиҳатдан қимматли «Бобурнома» асарини яратган. Ўзбекистон ва Тожикистон ерларининг табиати, бу жойларда рўй берган даҳшатли зилзилалар, аҳолининг савдо-сотиқ ишлари, урф-одатлари, касби тўғрисида жуда мукаммал маълумотлар ёзиб қолдирган. Шу маънода «Бобурнома» жуғрофий манба сифатида ноёб асардир.

Яна шу 8-синфда «Ўзбекистон табиий жуғрофияси» курсида Ўзбекистоннинг иқлими, унинг таркиб топишига таъсир этувчи омиллар, иссиқликнинг тақсимланиши, ёғинлар каби мавзулар ўрганилаётган пайтда Берунийнинг илмий-назарий таълимотидан истифода этиш фойдадан холи бўлмайди.

Беруний ўз даврининг қомусчиси эди. Унинг астрономия, физика-математика, география, умумий геология, минерология, этнография, ботаника ва тарих фанларига катта ҳисса бўлиб қўшилган 150 дан ортиқ асари бор. Аллома «Иқлимнинг бўлиниши» китобида биринчи бўлиб иқлим турларини тузган, «Осорул боқия» номли асари эса асосан иқлим ва иқлим ҳосил қилувчи омиллар тўғрисидадир.

Юқоридаги тавсиялардан имкон қадар фойдаланса, бобокалонларимизнинг фанга, маданиятга қўшган буюк ҳиссаларини ўрганиб, ўқувчилар онгига сингдиролсак, уларда юртпарварлик, инсонпарварлик фазилатларини шакллантирамиз ва энг муҳими, ёшларни ахлоқ-одобга, ҳурмат-иззатга ўргатган бўламиз.

Қурбон ТЕМИРОВ,
Жарқўрғон туманидаги ал-Хоразмий номидаги 34-мактабнинг методист-ўқитувчиси.

Ҳунар-техника билим юртлари: қувончлар ва ташвишлар

НОАНЪАНАВИЙ ДАРСЛАР САМАРАСИ

Бир неча йилдирки, ўқитувчиларнинг амалий иш услубларида дарснинг ноанъанавий усули деган ибора пайдо бўлди. Хўш, бу усулнинг ўзи нима, у педагогикага керакми? Янги тажриба бизнинг 27-билим юрти муҳандис-педагоглар жамоасини ҳам жиддий ўйлатиб қўйди. Замонавий дарс ўтиш усули қуруқ ваъзхонлик, бир хил усулда бўлмаслиги кераклиги хусусида жамоа ўз фикр-мулоҳазасини билдириб, ўқитишнинг янги усулларини қидириб топиш, амалда жорий этиш ҳақида ягона хулосага келди.

Билим юртимиз фаолияти асосан мактаблар билан боғланган. Бўлғуси талабаларимиз қай даражадаги мутахассислар бўлиб етишишлари жамоанинг ишчанлигига, ижодкорлигига боғлиқ. Бу, табиийки, педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди. Бундан ташқари, билим юртларида ўқишлар ҳам мактаблардагидан тубдан фарқ қилади. Талаба ўқишнинг биринчи куниданоқ меҳнатга, ишлаб чиқаришга боғланади. Масаланинг шу жиҳати ҳам билим юрти педагоглари, ишлаб чиқариш усталари олдига дарснинг ноанъанавий усулини амалга татбиқ этиш вазифасини қўяди. Бунинг учун эса, биринчидан дарсларда талабаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларнинг фанларга бўлган муносабатини ўзгартириш, иккинчидан, амалий машғулотлар билан ишлаб чиқариш ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш керак.

Мактабда ўқувчи ҳар бир фанни алоҳида-алоҳида ўқиб, фанлараро алоқадорликни қисман ҳис этган бўлса, билим юртида бу талаб жиддийроқ қўйилади. Чунки, бу ерда асосан мутахассислик биринчи даражали ҳисобланиб, диққат-эътибор ҳам, фанларнинг ўқитилиши ҳам шунга йўналтирилган бўлади.

Педагогик жамоамиз ана шуларни ҳисобга олиб, уч йил муқаддам ёшларга янгича сабоқ беришнинг янгича — дарс —мунозара, саёҳат, ўз-ўзини бошқариш дарси, дифференцияли дарс, дарс-синов усулларини қўллашга киришди. Бундан ташқари, сўнгги икки йиллик тест синовларини ҳаётга жорий этди.

Жамоанинг ишга янгича ёндашишида билим юрти директори Ш. Муротовнинг хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим. Ишбилармон, тадбиркор ва янгиликни тез илғаб олувчи ана бу фидойи инсон бизга ўз вақтида керакли шарт-шароитни яратиб берди. Меҳнатга, ишлаб чиқаришга муносабатнинг ўзгарганлиги ўз самарасини бера бошлади.

Янги типдаги дарс усулларининг айримлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Чунончи, дарс-тадбиркорлик усулини олайлик. Бундан талаба, аввало, танлаган соҳасига яқиндан ёндашади, ўзини ўйлантираётган муаммони осон йўл билан ҳал этиш устида изланади. Шунингдек, бу усул ҳар бир ўқувчига ишлаб чиқаришда бажараётган иши юзасидан белгиланган вақтда масалани ечиши, уни тушунтира олиши ва ўз қарашларини билдириши учун имкон яратади. Янги йўналиш талабларнинг мустақил ишлашини, дунёқарашини кенгайтиради, шу билан бирга бу жараёнда улар нафақат танлаган мутахассисликларининг вазифалари, балки ундан бошқа кўплаб жиҳатларни ҳам ўрганишади. Бу усулда ишлашда Т. Доброва, Н. Исоқовалар ўзига хос тажрибага эга. Уларнинг, айниқса, талабаларни ЭҲМда машғулот бажаришларини яхши йўлга қўйганлиги диққатга сазовор. Халқимизда «Муаллимига қараб ўқувчисига баҳо бер», деган ибора бор. Яқинда шаҳар миқёсида бўлиб ўтган «Компьютер ва менинг соҳам» мавзусидаги семинарда билим юрти талабалари ЭҲМдан олган назарий ва амалий билимларини кўпчиликка намойиш қилиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Ҳозирги даврда мутахассисларга эҳтиёж сезиларли даражада ўзгарди. Илгарилари бир хил йўналишда дарс ўтилиб, «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш кўрилган, дарслар ҳам шунчаки, номигагина ўтилган бўлса, унинг оқибати фақат ўз-ўзимизни алдаганлигимизни, етиштирган мутахассислар жойларга ишга борганларида ўзларини оқлай олмаганликларини кўрсатди. Ана шу ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб олган билим юрти жамоаси бугун ёшларга таълим-тарбия бериш, уларга замон талаблари асосида ҳунар сирларини ўргатишнинг ўзига хос йўналишини яратиб олдилар ва уни амалда қўлламоқдалар.

Сабоқ бериш ва ҳунар ўргатишнинг яна бир янги усули — бу ўзини ўзи бошқариш ва ўзини синаш усулидир. Бунда дарсларни тўлиқ ўзлаштиролмайдиган ёки аълочи талабалардан орқада қолаётганлар педагогнинг алоҳида назоратида бўлади. Ўқитувчи улар билан ишлашда фақат дарснинг боришига аҳамият бермасдан, талаба танлаган соҳа юзасидан қизиқ-қизиқ мисолларни келтириб, бир пайтнинг ўзида фан билан боғлаб кетади.

Химия фани мутахассиси Х. Турдиметова, физика фани мутахассиси Г. Норметовалар ўзини ўзи бошқариш ва ўзини синаш усули бўйича нафақат билим юртимизда, балки шаҳардаги кўплаб ҳунар масканлари орасида катта тажриба тўплаганлардан. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, янгича йўналишдаги сабоқ усулини амалда татбиқ этишлари туфайли эндиликда билим юрти талабалари орасида, айтиш мумкинки, ўзлаштирмовчилар деярли йўқ.

Умуман олганда, талабаларга берилаётган сабоқлар номигагина бўлиб қолмаслиги, ҳар бир машғулот мавзу билан боғланган, ҳаётий ишлаб чиқариш тажрибалари, янгиликлар билан бойитилган бўлиши лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади. Шу жиҳатдан қараганда, қўлга киритаётган ютуқлар ҳам чакки эмас. Айни пайтда Тошкент шаҳридаги ҳунар масканларининг мутахассислари, ишлаб чиқариш усталари ва педагоглар бу ерга келиб, ноанъанавий дарс усуллари сирларини ўрганишмоқда, тажриба алмашишмоқда.

Изланишлар ва тажрибалар илмгоҳнинг ҳар томонлама моддий бойишига, кундан-кунга ривожланишига ҳам имкон яратмоқда. Шу билим юрти қошида Тошкент политехника лицейининг очилганлиги ҳам бежиз эмас.

Р. ЗИНАТУЛИНА.

Болалик боғининг ширин-шакар мевалари.

МАДАДТАЛАБ МАКТУБЛАР

Яқинда биз, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида таҳсил кўришаётган бир гуруҳ биология ўқитувчилари, пойтахтимизнинг Ботаника боғидаги ўсимликлар дунёси билан танишгани бордик. Боққа 1950 йилда асос солинган бўлиб, у 80 гектар майдонни эгаллаган экан. Бу ерда дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган 6000 дан зиёд ўсимлик хилларни тўплаган. Дастлабки кўчатлар Америка участкасига экилган экан. Дендропарк қисмида ер шарининг турли минтақаларида ўсадиган дарахт ва буталарни учратдик. Минг афсуски, лотин тилида ёзилган ёрлиқлар ўқиб бўлмас даражага тушган. Лотинча ёзувларга қўшимча қилиб, уларнинг ўзбекча номлари ҳам ёзилганда эди, барчага тушунарли бўларди.

Тўғриси, Ботаника боғидаги ободонлаштириш, ўсимликларни муҳофаза қилиш ва турларини кўпайтириш бир аҳволда эканидан жуда ранжидик. Маълум бўлишича, бу ердаги барча ишлар қўл кучи билан бажариларкан. Аммо ҳозирги пайтда ишчи кучи етарли бўлмай, оддий суғориш ишларидан тортиб, боғларни тозалашгача ишчи кучи ва маблағ етмас экан. Ёнғинга қарши замонавий ускуналар ҳам ўрнатилмаганидан ёнғин чиққуден бўлса, катта зарар етиши мумкин экан. 1991 йилда 208 нафар киши боғда ишлаган бўлса, ҳозир унинг ярми ҳам қолмабди. Ишчи кучининг камайиши оқибатида боғ қаровсизланиб бормоқда экан.

Оранжея (табиий ҳолатга яқинлаштирилган ойна ли боғ) билан ҳам танишдик. 1000 хилдан зиёд ўсимлик ўсадиган 300 квадрат метрли жойда ниҳояти икки киши ишларкан, холос. Шунча ўсимликка қарашнинг ўзи бўладими? Ўсимликларнинг меъёрида ўсиши учун етарли шароит яратилмаганидан улар йўлакларга ҳам қўйилган.

Боғ оралаб борарканмиз, қандайдир ёқимсиз ҳидлар келаётганини пайқадик. Ёнимиздаги хизматчидан бунинг сабабини сўраганимизда, у боғ атрофида кабел заводи, «Ўзбексельмаш», лак-бўёқ ва экскаватор заводлари жойлашганини, бу корхоналарнинг чиқиндилари боғ экологиясига салбий таъсир қилаётганини куюниб айтиб берди. Куюнганича бор-да. Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли собиқ СССРдаги бешта машҳур боғнинг бири ҳисобланган Ботаника боғини зарур маблағ, ишчи кучи ва илмий ходимлар билан етарли даражада таъминлайдиган ҳомийлар наҳотки топилмаса? Университет, педагогика институти, аграр дорилфунун талабалари шу ерда амалий таҳсил кўришади. Боғнинг бугунги аҳволи жуда ачинарли. Уни авайлаб сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз, деб ўйлаймиз.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
М. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
У. ЁҚУБЖОНОВ,
Р. ЖУМАЕВ,
Р. ҚУРБОНБОЕВ.

«МАЪРИФАТ» ХАБАРЛАРИ

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Гўзалкент тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан бошланғич синф ўқитувчилари томонидан тайёрланган таълим учун энг зарур ва намунали кўргазмали қуроллар танланиб, намойиш қилинди. Бу хайрли тадбир ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш ва уларнинг тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қилади. Кўргазма ғолибларига эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ш. БЕКТАМИШЕВА.
Самарқанд вилояти.

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Чироқчи туманидаги Чиял давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Тойлоқ Рўзиев номидаги 108-ўрта мактабда ўқитувчиларга янги ўзбек алифбосини ўргатувчи курс иш бошлади. Хўжаликдаги мактаблар муаллимлари машғулотларга фаол иштирок этиб, янги алифбони қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

САҲОВАТ БЕЛГИСИ

Самарқанд шаҳридаги 59-ўрта махсус мактаб-интернатнинг ҳисоб рақамига «Зарафшон» ҳиссадорлик савдо уюшмаси жамоаси икки юз сўм, 14-автобуслар саройи маъмурияти эса беш юз сўм миқдорида пул ўтказишди. Шунингдек, ушбу автобуслар саройи томонидан транспортлар ажратилиб, мактаб-интернат ҳузурида ташкил этилган ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган болаларни Ўргут туманининг сўлим масканларидан бири ҳисобланган Омонқўтон тоғ тизмаларига сайрга олиб боришди. Мактаб-интернатнинг бутун жамоаси бундай ғамхўрликлардан беҳад мамнун бўлишди, саховатли кишиларга миннатдорчилик ҳиссиётларини изҳор қилишди.

Акбар ҲАЙДАРОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли Эсонмурод ХУДОЙРОВ!

30 йилдирки маорифнинг заҳматли довонларидаро не-не маърифат гулшанларини яратдингиз. Ва бу гулшанбоғ чечаклари келажакнинг нурли йўлларини янада мунаввар қилмоқда.

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин! Эзгу ишларингизда омад тилаймиз.

Эҳтиром ила фарзандларингиз ва Нуробод туманидаги 58-мактаб жамоаси.

Муҳтарама Муҳайё ВАЛИЕВНА!

Келажаги буюк Ўзбекистонимиз мустақиллигининг уч йиллик байрами нишонланаётган кунларда Сиз учун қўшалоқ байрам, яъни таваллуд топган кунингиз. Биз Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизда тинчтотувлик, ишингизда муваффақият ва ҳақиқий инсоний бахт тилаймиз.

Юнусобод туманидаги 428-болалар боғчаси жамоаси ва дугоналарингиз номидан: Д. Муҳитдинова, Д. Содиқова, Ф. Ҳусанова, У. Рустамова.

ДИЛКАШ ВА САМИМИЙ ИНСОН

1956 йил. ТошДУ (ўша пайтда САГУ)нинг собиқ «Инқилоб хиёбони»га жойлашган физика-математика факультетининг даҳлизида танаффус пайтида гурунглашиб турган бир гуруҳ талабалар ёнидан 34—35 ёшлардаги, кўзлари катта-катта, чиройли, серҳаракат, ёш бўлишига қарамай, юзидан нур ёғилиб турган киши ўтиб қолди. Талабалардан кимдир секин «Биласизларми, бу домла яқинда Москвадан келган профессор Сирожиддинов бўлади», деди. Ёшларнинг барчаси беихтиёр навқирон олимга тикилиб қолишди. Уларнинг ичида хипчагина, қуюқ сочлари жингалакка мойил, юзларида доим қувноқ жилмайиш ёйилиб турадиган биттаси Саъди Сирожиддиновга тикилиб қоларкан, дилидан «Менга ҳам шундай бўлиш насиб этармикан?» деган ўй-ҳавас ва ҳурмат ҳисси аралаш чулғаниб ўтди. Тақдир кейинроқ бу кишиларни яқинлаштирди: бири устоз, иккинчиси шогирд сифатида талай йиллар бирга ишладилар. Ўша талаба ҳозир Тошкент давлат дорилфунуни профессори Ғаффор Насриддинов эди.

Йиллар ўтди. Атоқли олим, чинакам инсон Саъди Ҳасанович Сирожиддиновни Аллоҳ ўз раҳматига олганига ҳам бир қанча вақт бўлди, Ғаффор ака эса бугун 60 ёшга кириб, ҳамкасблари, шогирдларининг чин дилдан табриклашларини кўриб, кўнгли қувониб турибди.

...Ғаффор ака оилада кетма-кет туғилган ўғилларнинг еттинчиси бўлиб дунёга келди. Ўзбекнинг оиласида ажойиб бир удум бор: «Олдингги ғилдирак қаердан юрса, кейингиси ҳам ўша ердан ўтади», деган халқнинг нақлидагидек, фарзандлар катталарнинг кетидан эргашишади. Шу боис оилада биринчи фарзандни тарбиялашнинг хосияти бўлакча. Насриддин ака ва Нодира опа хонадонида ҳам бу удумга амал қилинди. Энг катта ўғил Музаффарбек ҳавас қилса арзигудек йигит бўлиб етишди. Афсус, умри қисқа бўлди: Ватан урушига кетиб, Польша ерларида ҳалок бўлди. Бошқа акалар ўз йўлини топиб кетишди. Ғаффор акага келганда, унинг серҳаракатлигини кўрган отаси истиқболига катта умид билдириб: «Бизга ўқиш насиб қилмади, ўғлим, сен ўқи!» деб тайинлади. Ота топшириғи бир умр Ғаффор аканинг қулоғи тагидан кетмади. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ математикага меҳр қўйди. Бунда математика ўқитувчиси Юсуф ака Миревнинг хизмати алоҳида бўлди. Ғаффор ака мактабда таълим берган физика ўқитувчиси Усмон ака Орифжонов, химия ўқитувчиси Мажид ака Ҳикматов, рус тилидан дарс берган Ася Измайлова, тарих ўқитувчиси Зайтуна Баязитоваларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиб туради.

1952 йили мактабни медаль билан тугатган Ғаффор ака САГУнинг физмат факультетига математика ихтисослиги бўйича қабул қилинди. Талабаликнинг, одатда, «олтин давр» дейдиган, аслида ҳар бир ёшнинг келажакда ким бўлишини белгилайдиган «замин яратиш йиллари» бошланди. Ғаффор акани ҳам академик Т. А. Саримсоқов, профессорлар И. С. Аржаних, Н. П. Романов, доцентлар М. А. Собиров, Ф. С. Ҳожимуллаев, М. К. Камолов, Х. Р. Шокирова, А. П. Доморяд каби олимлар математиканинг мўъжизага, сир-синоатга тўла оламига олиб кирдилар.

1957 йилдан физматда ассистент бўлиб ишлаётган Ғаффор акага ҳам Саъди Ҳасанович, Москвада, аспирантурада ўқишни маслаҳат беради. Шу тариқа, у 1962—66 йиллари йирик математик олим В. Г. Болтянский раҳбарлигида «Иккинчи тартибли чизиқсиз тебранма системаларда оптимал бошқаришлар синтези» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Номзодлик диссертацияси ҳимоясидан сўнг Ғ. Насриддинов талайгина мавзуларда олиб борган илмий изланишлари туфайли мутахассислар орасида танилди. Домлани Самарқанд, Фарғона, Гулистон, Бишкек ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларига математикадан маъруза ўқиш учун чақириб туришади. Бу эса олим ва педагогнинг обрўсидан далолатдир. Зотан, Ғ. Насриддиновга «Юқори тартибли тебранма бўлмаган системалар». Энди эса у сеҳрли маъводан қайтиб чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди.

Дарвоқе, қаерда жаҳоншумул, обрўли илмлар тараққий топган экан, демак, ўша мамлакатнинг илм-фан фидойилари, ташкилотчилари, орзуманд кишилари бўлади. Ўшандай инсонлар туфайлигина муайян юртдан таниқли олимлар, фозиллар етишиб чиқади. Ана шундай шарофатли инсонлардан бири С. Ҳ. Сирожиддинов бўлган. У Ўзбекистон Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги Математика институтига директор бўлгач, дарҳол математиканинг турли йўналишлари бўйича ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун иқтидорли ёшларни марказга жўнатишни уюштирган. Ҳозир ана ўшаларнинг кўплари республикамиз математика илмининг даргалари ҳисобланади.

«Юқори тартибли системаларда оптимал бошқариш учун ўтишлар сонининг баҳоси», «Ўнг томони бўлакли узлуксиз ёки бўлакли дифференциалланувчи системалар учун оптималликнинг етарли шартлари» тадқиқотлари, 1981 йили нашр қилинган «Оддий дифференциал тенгламалар» номли дарслик (акад. М. С. Салоҳиддинов билан ҳамкорликда), 1984 йили чоп қилинган «Математик экономика элементлари» ўқув қўлланмаси обрў келтирганини алоҳида таъкидлаш лозим. Тўғри, мутахассис бўлмаган кишига бу тадқиқотларнинг аҳамиятини тушуниш қийин. Биз, одатда, илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилишига қараб ўзимизча уларга баҳо берамиз. Бундай соҳа математикада ҳам мавжуд: «амалий математика» деб аталади. Ғаффор аканинг илмий изланишларида бу соҳадан ҳам анчамунча ишларни кўрамиз. Жумладан, пахта териш машинаси шпинделларини такомиллаштиришга оид математик йўналишдаги илмий иши учун Ғ. Насриддинов 1986 йили муаллифлик гувоҳномаси олган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун барча виждонли кишилар қўлидан келган ишни қилмоқдалар. Проф. Ғ. Насриддинов ҳам бу эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшишни ният қилган. Республикамиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаркан, иқтисодий масалаларга қараш ҳам ўзгариб кетди. Бу соҳада янгиданянги муаммолар юзага келяпти. Шу муносабат билан иқтисодий тараққиётнинг математик моделларини чуқурроқ ўрганиш зарурати туғилди. Ғаффор ака бу илмий муаммога дадил қўл урди. «Математикани қанчалик чуқурроқ тадқиқ этсанг,— дея ҳикоя қилади у,— шунчалик қизиқроқ, ҳаётий натижаларга эришасан. Маълумки, турли жараёнларни математик тилда тавсифлаш мумкин. Натижада ўша жараённинг математик модели ҳосил бўлади. У аниқ бир математик масалани ифодалайди. Модель қанчалик чуқурлашса, масала шунча мураккаблашади. Шу сабабли уни ечиш учун анчагина мураккаб математик моделларни ишлатиш лозим бўлади.

Биологияда «мослашувчанлик» деган тушунча бор. Шу тушунчани «аниқлаштириш»га муваффақ бўлдим ва қатор натижалар олишга эришдим. Кўпгина миқдорлар янада аниқроқ формулалар билан ифодаланадиган бўлди. Бу соҳадаги ишлар доираси кенг ва ишланадиган масалалар жуда кўп. Изланишлар эса давом этмоқда».

Иқтисодий тараққиётнинг математик моделларини яратиш борасидаги илмий изланишларини Ғаффор ака «Иқтисодий тараққиётнинг ишлаб чиқариш ресурслари чизиқсиз амортизацияси ҳисобга олингандаги кўп секторли математик моделлари» деган мавзудаги докторлик диссертацияси сифатида расмий лаштирди ва ҳимоя учун Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига топширди. Бу тадқиқотларида олим бир қатор тавсиялар ва тайёр формулалар келтирган бўлиб, уларни илмий жиҳатдан жиддий асослаб берган.

Мана, 38 йил бўляптики, Ғаффор ака олий таълим тизимида, талабаларга билим ва тарбия бериш соҳасида сидқидилдан хизмат қилиб келяпти. Жамоада катта обрў орттирди. Оддий ассистентликдан профессор, кафедра мудирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Талабалар, беҳисоб шогирдлари камтарин, самимий, билимдон устозларидан мамнун, улар домланинг ҳамиша атрофида. Бу педагог учун катта бахтдир.

Ғаффор ака педагог ҳамкасблари учун қўлидан келганча ёрдам беришга интилади. Айниқса, мактабда математикадан дарс ўтадиган ўқитувчилардан тажриба ва билимини дариғ тутмайди. У республика ва шаҳар мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида мутасил маъруза ўқиб келмоқда. Мактабда ўқитиладиган математикадан дарсликлар ҳақида танқидий фикрлар билдиради, ўқитишни методик жиҳатдан яхшилаш юзасидан маслаҳатлар беради.

Ғ. Насриддинов рус тилидан бир қанча дарслик ва монографияларни ўзбек тилига ўгирган. Бу борада катта тажриба орттиргани учун математикадан атамалар тузиш ҳайъатининг аъзоси сифатида ҳам самарали иш олиб бормоқда.

Ғаффор Насриддинов ҳозир айни навқирон ёшда. Биз домладан мағзи тўқ илмий-тадқиқот ишлари, талабаларга таълим ва тарбия беришдек заҳматли ва шарафли ишда муваффақиятлар тилаб қоламиз. Муборак ёшингиз қутлуғ бўлсин, Ғаффор ака!

Бойбўта ДУСТҚОРАЕВ,
ТошДУ матбуот назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, доцент.

БОҚҚА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар Сиёб тумани халқ таълими бўлими мудири муовини Темир Рустамовга онаси

Муқаддам ҚОДИРОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Далил-рақамларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00.